НУТҚ ЖАРАЁНИДА АССОЦИАЦИЯЛАРНИНГ ВОҚЕЛАНИШИ

Ш.М.ИСКАНДАРОВА, Н.ҲОШИМОВА

В данной статье освещается проблема ассоциативных связей между лингвистическими единицами, выявляются валентные свойства лексем с архисемой «Искусство» и их репрезентация в речи.

The problem of associative relations between lexemes, mainly associations in the speech are enlightened in this article. Valency of the lexemes by the archeseme of "Art" is shown by actual and potential semes.

Тилни майдон сифатида тадқиқ этиш – тилнинг коммуникатив, куммулятив, семиотик, прагматик ва гносеологик табиатини акс эттиришда жуда катта аҳамиятга эга, чунки объектив олам бир бутун система саналиб, системанинг узвлари муайян микрооламлардан иборат бўлади. Бу микроолам инсон онги орқали тилда ўз ифодасини топади. Демак, тилни майдон сифатида ўрганиш тил ва борлиқ диалектик муносабатини ёркин ифодалашга ёрдам беради.

Сўнгги йилларда ўзбек тилшунослигида лингвистик майдон тушунчаси кенг қўлланила бошланди [1; 2; 3; 4; 5; 6; 7]. Шу боис, тилни системавий асосда ўрганиш билан боғлиқ тадқиқотларда макросистеманинг элементлари гетерогенлик асосида таҳлилга тортилмоқда. Бироқ лингвистик бирликлар ўртасидаги ассоциатив муносабатлар ҳали тўлиқ ўрганилмаган. Хусусан, нутқ жараёнида ассоциацияларнинг вужудга келиши ҳақида турлича фикрлар мавжуд.

Ассоциатив тажрибаларда предикатлар фактори муҳим ўрин эгаллайди. В.Андреевская турли лексемалар орасидаги предикатив алоқа гап тузишга ёрдам беришини кўрсатиб ўтади. Сўзларнинг кучли ассоциатив жуфтлиги гапда бир бутун мазмуний ва грамматик бирикувни ташкил этади. Кучсиз ассоциатив жуфтлик эса парчаланиб, гапнинг турли мазмуний гуруҳларига бирикади [8, 114-115].

В.В.Андреевская томонидан «бир бутун мазмуний ва грамматик бирикув» деб илгари сурилган фикр Ч.Осгуднинг «ядровий мослашув» деган ғоясига тўғри келади. «Ядровий мослашув» «субъект – боғловчи - объект», бу тўплам гапни шакллантиради [9, 18].

Демак, кодлаштириш бирлиги функционал синф бўлиб келади, предикативлик эса бу функционал синфларнинг алоқаларини жамлаштиради. Функционал синф маълум мазмуний ва синтактик белгиларига эга бўлган бирлик ҳисобланади. Синтактик қурилманинг шу тарзда шаклланиши турли тилларда ўзига хос жиҳати билан фарқланиб туради. Мазмуний белгилари эса контекстда ассоциатив қидирув орқали намоён бўлади.

Бу бевосита иштирокчилар методига ҳам тўғри келади. Бевосита иштирокчилар методига кўра, таянч нуқта конструкция ҳисобланади. Конструкция таркибидан иштирокчилар ва бевосита иштирокчилар ажратилади. Конструкция атамаси остида маъноли қисмларнинг кетма-кет муносабатидан ташкил топган бутунлик тушунилади. Иштирокчилар деб каттароқ конструкция таркибига кирган сўз ёки конструкцияга айтилади. Муайян конструкциянинг бевосита шаклланишида иштирок этган бир ёки бир неча иштирокчиларга бўлинади [10, 135].

Масалан, *Истеъдодли рассом қизиқарли расм чизяпти* гапида иштирок этган барча маъноли сўзлар иштирокчилар, бевосита алоқага киришган сўзлар эса бевосита иштирокчилар саналади. *Истеъдодли* сўзи билан *чизяпти* сўзи ўртасида маълум маънода боғланиш бўлса ҳам, лекин улар ўртасида бевосита алоқа йўқ. *Истеъдодли* сўзи *рассом* сўзи билан, *қизиқарли расм* атрибутив муносабатдаги бирикма *чизяпти* сўзи билан ва *қизиқарли* сўзи *расм* сўзи билан ўзаро зич боғланган ва улар сўз бирикмаси ҳосил қилади [11, 61].

Кўриниб турибдики, сўзларнинг кучли ассоциатив жуфтликлари гапда мазмуний ва грамматик бирикувни ташкил қилади. Ассоциацияларнинг маъноси предикатив жуфтлик ва номинатив гуруҳ таркибида кўринади.

Гапдаги ассоциацияларни маъно орқали таҳлил қилишда маънони мазмуний бирикув кўрсаткичи сифатида изоҳлаш мумкин. Мазмуний бирикув мазмунан асосий лексеманинг потенциал сема ва мазмунан тобе бўлган лексеманинг актуал семаси орқали вужудга келади. Шу ўринда лексемаларнинг бир-бири билан потенциал ва актуал семалари орқали боғланиб, такрорланаётган семалар орқали мазмуний мутаносиблик намоён бўлишига ҳам эътибор бериш зарур.

Мазмуний бирикув ва мазмуний мутаносибликка хослик лексемалар семаларининг такрорлан-

ши билан узвий боғланади. Тадқиқотчилар лексемаларни такрорланаётган семалари орқали бир-бири билан боғланишини турли атамалар (мазмуний бирикув ва мазмуний мутаносиблик) орқали ифодалайдилар.

Синтагматик муносабатларда мазмуний мутаносибликдан ташқари мазмуний номутаносиблик ва мазмуний бетарафлик ҳам учрайди. Бундан келиб чиққан ҳолда, мазмуний мутаносиблик, мазмуний номутаносиблик ва мазмуний бетарафлик каби ҳодисаларнинг мазмуний бирикув ҳодисаси билан бевосита алоқадор эканини кўриш мумкин. Лекин фақат мазмуний бирикув иштирокида гап шакллана олмайди. Майдон тузилишида мазмуний алоқа эътиборга олинади. Матн шаклланишида бу етарли эмас. Синтагматик муносабатда мазмуний алоқадан ташқари мазмуний бирикув ва синтактик алоқа ҳам мавжуд бўлиши керак.

Мазмуний бирикувни таҳлил қилар эканмиз, тадқиқотчиларнинг мазмуний бирикув ҳодисаси ҳақидаги фикрларини ҳам ҳисобга олсак мақсадга мувофиқ бўлади. Баъзи тадқиқотчилар мазмуний бирикувни «маъно» сифатида изоҳлайдилар. Лекин лексемалар бир-бири билан боғланиши учун муайян ички маънога эга бўлиши керак. Масалан, *тажрибасиз* + *қалам* лексемалари бир бир билан боғлана олмайди. Мазмуний бирикув содир бўлиши учун сўз қандайдир маънога эга бўлиши керак ва мазмуний бирикув ушбу маънонинг кўрсаткичи бўлиб келади.

Аксарият «маъно» ҳодисаси гапда мазмун сифатида воқеланади. Гапда лексеманинг маъносини бошқа лексема билдириши мумкин. Бу ҳодиса айрим анбаларда кўп маъноли ва бир маъноли кўрсаткич минимуми деб аталади. Лекин баъзи ҳолларда гапдаги лексема қайси маъносида қўлланган сезилмайди ёки лексема ўзининг бир неча маънолари билан намоён бўлади. Бу ҳодисани Д.Н.Шмелёв маъноларнинг диффузияси деб номлайди.

Гап шаклланишида ассоциациялар ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Майдон шаклланишида ассоциациялар мавжудлиги ва компонентлар умумийлиги мазмуний алоқа тарзида белгиланади. Майдон ёки гуруҳ шаклланишида вужудга келган ассоциациялар индивидуал бўлиши ва кишининг ҳис-ҳаяжонини билдирганлиги сабабли улар мазмун орқали ифодаланиши мумкин. Лекин нутқдаги ассоциацияларни мазмун орқали эмас, балки маъно орқали ифодалаш лозим. Лексемаларнинг маъноси ассоциациялар қаторида қидирилади ва предикатлашув жараёни кўзга ташланади. Предикатлашган лексемалар предикат жуфтлигига кириб, бу предикат жуфтлик янада каттароқ предикат жуфтлик таркибига киради. Предикатлашув мазмуний ассоциатив қидирув орқали белгиланади. Масалан, “театр” микрогуруҳига оид *актёр* лексемаси *ўйнамоқ*, *ижро этмоқ* каби феъллар билан синтагматик муносабатга киришади.

Ижро этмоқ ифодаси «санъат» майдонининг бошқа микрогуруҳ лексемалари билан ҳам ўзаро синтагматик муносабатга киришиши мумкин:

раққоса
актёр
мусиқачи ижро этмоқ
қўшиқчи

Ижро этмоқ ифодасида “ижод” потенциал семаси мавжуд. *Раққоса, актёр, мусиқачи, қўшиқчи* лексемаларида ҳам “ижод” актуал семасини кузатиш мумкин. Бу лексемалар бирикувида “ижод” семаси икки марта такрорланмоқда ва потенциал ҳамда актуал семалари орқали лексемалараро мазмуний бирикув содир бўлмоқда.

Ўйнамоқ лексемасида “бажармоқ”/ “ижро этмоқ” (роль) потенциал семаси мавжудлиги учун *актёр* лексемасининг “бажарувчи”/ “ижрочи” семаси орқали мазмуний бирика олади. *Ўйнамоқ* лексемаси “рақсга тушмоқ” потенциал семаси орқали *раққоса* лексемасининг “рақсга тушувчи” актуал семаси билан бирикмоқда.

Кўринадики, синтагматик муносабатларда тил бирликлари танланиш хусусиятига эга. Лексемаларнинг маълум семаларни танлаши гап таркибидаги мазмуний элементлар такрорини таъминлайди. Мазмуний такрорланишда эса гап ёки сўз бирикмаси мазмунан боғланган бўлади ва бу мазмуний мутаносиблик қонуниятларига тўғри келади.

Актёр лексемаси феъл лексемалардан ташқари *талантли, ёш, моҳир, истеъдодли* каби белги ифодаловчи лексемалар билан синтагматик муносабатга киришади.

талантли
ёш актёр
моҳир
истеъдодли

Хусусан, *ёш* лексемаси ўзининг “навқирон” “тажрибасиз” семалари орқали *актёр* лексемаси билан синтагматик муносабатга киришади.

Лекин ҳар қандай лексеманинг маъно мундарижаси гапда тўла ифодаланмайди. Масалан, *ёш* ва *артист* лексемаларининг бирикувида *ёш* лексемаси ўзининг иккита маъноси остида *артист* лексемаси билан бирикиши мумкин.

Қўқондаги қариндош-уруғлари ҳам ёш олимнинг истиқболига ҳозирлик кўргандек эдилар. (А.Қодирий.)

Юқоридаги контекстда *ёш* лексемасининг “навқирон” ҳамда “тажрибасиз” семалари воқеланган.

Синтагматик муносабатлардаги мазмуний бирикувни таҳлил қилар эканмиз, лексемаларнинг валентликлари ҳақида ҳам фикр юритишимиз ўринли. Чунки валентлик атамаси остида сўз маъносидан англашиладиган ёки унда яширин мавжуд бўлган «бўш ўрин» ва уни гапда айрим сўзлар билан тўлдириш зарурияти тушунилади. Жумладан, *кўрмоқ* лексемасининг ҳар қайси варианти бир неча мажбурий объект валентлигига эга:

- кўриш ҳаракати асосидаги объект – шахс ва предмет;
- назар солиб текшириш асосидаги объект – шахс ва предмет;
- муҳокама қилиш асосидаги объект – предмет (ариза, масала);
- учратиш ҳаракатидаги объект – шахс ва предмет;
- ҳол-аҳвол сўраш асосидаги объект – шахс;
-бошдан кечириш асосидаги объект – абстракт тушунча (қийинчилик, дарбадарлик);
-бирор нарсага ёки кимсага эришмоқ ҳаракатидаги объект – шахс, предмет, абстракт тушунча;
- томоша қилиш асосидаги объект – предмет, абстракт тушунча (театр, кино, телевизор);
- тажрибада синаш асосидаги объект – шахс ва предмет.

*Кўрмоқ*_лексемаси муайян факультатив валентликларга ҳам эга:

ўрин-жой валентлиги – *театрда кўрмоқ;*

восита валентлиги – *телевизор орқали кўрмоқ*;

пайт валентлиги – *эрталаб кўрмоқ*;

муддат валентлиги – *бир ойдан бери кўрмоқ*.

Қишлоқ театрида спектакль намойиш этилди.

Ушбу гапда айрим мазмуний компонентлар такрорланмоқда. Масалан, “кўрсатув” семаси ушбу гапда икки марта такрорланяпти. *Намойиш этилмоқ* ифодасида “кўрсатув” потенциал сема бўлиб келяпти, *спектакль* лексемасида ушбу сема актуал ҳисобланади. *Қишлоқ* ва *театр* лексемаларини эса “жой” семаси умумлаштириб келяпти, шунингдек, *театр* лексемасида ҳам “кўрсатув” семаси мавжуд.

Фильмда таниқли актёрлар роль ижро этдилар гапида *ижро этмоқ* феълининг “роль ўйнамоқ” потенциал семаси орқали *фильм* ва *актёр* лексемаларининг худди шу актуал семалари орқали бирлашмоқда. *Таниқли* ва *актёр* лексемалари бир-бири билан *актёр* лексемасининг потенциал ва *таниқли* лексемасининг актуал “машҳурлик” семалари билан синтагматик муносабатга киришади. Шунингдек, “роль ўйнамоқ” семаси уч марта, “машҳурлик” семаси икки марта такрорланмоқда. Демак, гапнинг мазмуний боғлиқлиги такрорланаётган семалар орқали ифодаланади.

А.Р.Лурия ва Ю.Д.Апресянларнинг фикрига кўра, валентликлар сони инобатга олинганда, предикат таркибидаги сўзда қатор валентлик миқдори кузатилади. Улар ўзнинг тадқиқотларида олти ва етти валентлик сонларини кўрсатиб ўтадилар.

Шунингдек, *саҳналаштирмоқ* лексемаси тўртта валентликни талаб қилади (ким, нимани, қаерда, қанчадан бери).

Режиссёр фильмни икки ой давомида Фарғонада саҳналаштирди.

Яратмоқ лексемаси олтита валентлик сонига: субъект ва объект, муддат (вақт), ўрин-жой, инструмент, ва мақсад валентликларига эга.

кўрмоқ феъли (объект, субъект, ўрин-жой, пайт);

эшитмоқ феъли (объект, субъект, ўрин-жой, контрагент, пайт);

ижро этмоқ феъли (объект, субъект, ўрин-жой, асбоб, вақт, мақсад);

қатнашмоқ феъли (объект, субъект, ҳолат, мақсад, вақт)

Қўймоқ лексемаси *жойлаштирмоқ; қурмоқ; ташлаб кетмоқ; бўшатмоқ; ўз ҳолича боқмоқ; назардан четда қолдирмоқ; талоқ қилмоқ; рухсат бермоқ; ўстирмоқ; аниқламоқ; юкламоқ; белгиламоқ; намойиш қилмоқ; сақламоқ* каби лексик-семантик вариантларининг умумлашмасидир.

Режиссёр субъект валентлигидан ташқари *қўймоқ* лексемаси бир неча объект валентликларига ҳам эга:

жойлаштириш, ўрнатиш ҳаракатидаги объект – предмет;

қуриш ҳаракатидаги объект – предмет (ойна, ин…);

ташлаб кетиш ҳаракатидаги объект – предмет ва шахс;

ўтлатиш асосидаги объект – ҳайвонлар;

бирор иш-ҳаракатни бажариш учун рухсат бериш асосидаги объект – шахс;

ўстириш асосидаги объект – (соч, тирноқ…);

юбориш, йўналтириш ҳақидаги объект – предмет, абстракт тушунча;

белгилаш ҳаракатидаги объект – предмет, абстракт тушунча;

намойиш қилиш асосидаги объект – предмет, абстракт тушунча.

Қўймоқ лексемаси мажбурий объект валентлигидан ташқари бир неча факультатив валентликларига ҳам эга:

восита валентлиги – *турли асбоблар ёрдамида қўймоқ;*

сабаб валентлиги – *байрам муносабати билан қўймоқ*;

жой валентлиги – *кинотеатрда қўймоқ;*

пайт (ички миқдор) валентлиги - *бир ҳафта давомида қўймоқ;*

пайт (муддат) валентлиги – *соат 5да қўймоқ.*

Сўзнинг маъноси ўрганилаётганда бирорта лексеманинг маъноси бошқа лексема тамонидан изоҳланиши мумкин. Бундай ҳолатда лексемаларнинг кўчма маъноси ифодаланиб, ички ассоциациялар юзага чиқади. Лекин ҳар қайси ҳолатда бирорта лексема бошқа бир лексеманинг маъносини кўрсата олмайди ва гапда ушбу лексема икки маънода келиб маъноларнинг диффузияси сифатида изоҳланади.

Лексемаларнинг синтагматик муносабатлари таҳлилида валентлик муносабати инобатга олиниши зарур. Чунки ассоциатив муносабатларнинг ўзига хос томонини ёритишда лексик бирликларнинг синтагматик хусусиятлари билан бир қаторда, уларнинг валент имкониятлари ҳам юзага чиқади.

АДАБИЁТЛАР:

[1] Искандарова Ш.М. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (шахс микромайдони): Филол. фанл. докт....дисс. автореф.- Т., 1999. [2] Нишонова Н.Р. Ўзбек тилида “ҳайвон” архисемали лексемаларнинг мазмуний таҳлили: Филол. фанл. номз....дисс. автореф.- Т., 2000. [3] Ҳожиева Ҳ. Я. Ўзбек тилида ҳурмат майдони ва унинг лисоний-нутқий хусусиятлари: Филол. фанл. номз....дисс. автореф. Самарқанд, 2001. [4] Сафаров Ф.С. Ўзбек тилида сон-миқдор микромайдони ва унинг лисоний-нутқий хусусияти: Филол. фанл. номз....дисс. автореф.- Самарқанд, 2004. [5] Собиров А.Ш. Ўзбек тили лексик сатҳини система сифатида тадқиқ этиш: Филол .фан. док....дисс.автореф..- Т., 2005. [6] Воққосова Д.В. Ўзбек тилидаги анемонимларнинг семантик таҳлили: Филол. фанл. номз....дисс. автореф.- Фарғона, 2005. [7] Қурбонова Б.Қ. Локаллик ва унинг ўзбек тилида ифодаланиши: Филол. фанл. номз....дисс. автореф.- Т., 2007. [8] Андриевская В.В. Особенности словесных ассоциаций как фактор построения предложений. Исследования языка и речи. Уч. зап. МГПИИЯ им. М.Торез. Т.60., М., 1971. [9] Osgood Ch. On understanding and Creating Sentences. [10] Нурмонов А., Искандарова Ш. Тилшунослик назарияси. Т.: Фан, 2008. [11] Леонтьев А.А.Психолингвистические единицы и порождение речевого высказывания. М.: Наука, 1969.

Фарғона давлат университети,
2009 йил 20 февралда қабул қилинган